





# ХИВАДАН КЕЛГАН ОРДЕН

## УЗОҚ-ЯҚИН ВОҚЕАЛАР

В. И. Ленин Марказий музейининг витриналаридан бирига Хоразм Халқ Совет Республикасининг Меҳнат ордени кўйилган. Владимир Ильич бу орден билан мукофотланган эди. Бу ҳақдаги қарор Хоразм Компартияси Марказий Комитети ва Хоразм Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия комитетининг 1922 йил 15 февралдаги мажлисида қабул қилинган.

Мана, бундан деярли 60 йил аввал узоқ Хивадан Москвага атайлаб келтирилган биринчи номерли фахрли белги олдимизда турибди. Металл пластинида Хоразмнинг туш вақтидаги лозувард осмони ҳам, Амударё тўқилганнинг қумли рағи акси ҳам, Хиванинг четидан бошланган бархандарнинг сариқ туси ҳам акс этди. Болга ва белхуат завод ва далавлар меҳнатчилари бирлашганининг рами, бугуннинг боғи ва хушборининг поиси биродарларнинг — рус деҳқони билан Хива деҳқонининг кўл бериб кўришиши...

Орденнинг авторлари ким? Хивага йўл оламиз. Машхур миноралар ва Ичозада музейи саройлари узоқдан кўринади. Музейнинг илмий ходими Собир Юсупов жонанжон ўлкаси тарихидан ҳар қандай саволга жавоб бера ола керак. Орден қандай тайёрланганини ҳам ҳикоя қилиб берибди. Бизни Хива хонларининг саройи Кўҳна-Ариқа бошлади. Чанда зарҳона. Хонанинг ичи салқин, нон қорини, орден ҳам шу ерда зарб этилган.

— Эскизи билан гулларини Комил Девоний расом дўстлари билан бирга чиқган, дейди Собир. — Қомил фақат расомгина эмас, шоир ҳам эди...

Собирнинг қўлида Девоний шеърлари тўплами. Ўзбек тилидан йўл-йўлакай «Сўма-сўз таржима қилиб» ўқимақда. Ленин таржимонининг ўзида ҳам шоирликдан борга ўхшайди — қўялини чиқарибди. Девоний Улуғ Октябрий шарафлайди. Нева соҳилларидан жазирага қум, лағзига ериб келган соф шомил, озодин қуноқини куйлайди. Коммунистик партия тўғрисидаги сатрлар мағрур жарангайди. Билмамохши шеър Ленин тўғрисидадир. Комил ўзбек поэзиясида биринчи марта меҳнаткаш халқ доҳийсининг образин яратди. Ленин, деб таъкидлайди шоир, — бахт нимадиркин билар эди ва шунинг учун ҳар бир қишлоққа шодлик келиши учун ҳамма ишни қилди.

Ленин учун мукофотни тайёрлашга мўъноси бўлган усташлар гуруҳининг бўлган республикаси молли халқ комиссарлиги лавозимига олдинча тайинланган Худойберган Девонийнинг ўзи таъкидлабди. Бу гуруҳга биринчи бўлиб, Комилни киритди, у шоир ва расом бўлгани учун эмас. Комил мадрасадаёқ ҳуснат сирларини эгаллаган, ўзини тарбиялаган амакиқидан эса нозик расомлик дидини ўрганган эди.

Худойберганнинг ўзи ҳам халқ комиссари бўлишга қарамай, сеvimли машғулот — зарб этишни ташламади. Лениннинг ёшлардан асосий қизиқиши — фотография, кейинчалик эса кино эди. Девонийнинг невараси, Хоразм телевидениеси ходими Абдулла Юсупов бобосининг кудга бор архивини — 3 мингта фотопластинани сақламоқда. Суратлар гўё бу ўқиниш солимоноси: мана камбағал деҳқон, мана биринчи совет трактори, паранжиги ташлаган биринчи аёл. Ҳозир Урганчада кинотеатр Х. Девоний номи берилган.

Худойберган 1907 йилдаёқ, подшоҳнинг тақлифига мувофиқ Петербургда Хива хони вазирларини кузатиб борадиган Ленин тўғрисида ошнган эди. Уни элчилари Қишчи саройда суҳбат қурган вақтда Худойберган ливтердин ишчилар билан таъкидлабди. Улар хивалик йилгига 1905 йил революцияси тўғрисида ҳикоя қилиб беришди, жанглар билан ишчилар намоийсини тарғиблагани тасвирланган «Нигиллар» сўра қилишди. Орада биз Лениннинг айтган берамиз, — деб маслаҳат бердики, — ливтердинлар меҳмонга, — ливтердинлар ҳам орқада қолмагилар — хонини ўз еригидан қувлаб чиқаришлар...

Молия халқ комиссари Отақон Мадрохимовини орденнинг бош заргар-зарбчи қилиб тайинлади. Ҳозир унинг ўғли Мадрохим Отақонов металл билан ишлашнинг ҳақиқатини айтди. Расомлар союзнинг аъзоси, Патрислар, қумонлар, гул-солитан, усташ наби ўқини пичоқлар... Бу буюмларни беэатан гуллар тақдорлар майда — устанинг фан-таъзияси чексиздир.

Мадрохим отаси орденнинг энг мураккаб деталларини қандай зарб қилганли-

ги тўғрисидаги ҳикоясини аслайди. Мадрохим стол устига қўларини қўйди. Тери орасига металл қилиб, қорайиб кетган, ҳеч нарса билан ювиб тосалаб бўлмайдиган. Катта босон. Дўстинг бобоси Абдуллоҳнинг ҳам, отасининг ҳам қўли шундай бўлган бўла-ка керак. Уларни бекорта «пичоқчи» деб аташмаган. Ёнг моту усташларга берилган ном бу. Мадрохим ҳам пичоқчи деб аташди. У В. И. Ленин тўғрисида кўн-нинг 100 йилгига отаси қилган ишни тақдорлади. — Ульновек шаҳри учун Владимир Ильич мукофотланган Меҳнат орденини зарб этиди.

...Биринчи орден тайёр бўлган, Хоразм Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия комитетининг мажлиси бўлибди. Унда Владимир Ильичга матбуот йўллашга қарор қилинди. Доҳинга матбуотда Хоразм Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия комитети раиси Я. И. Муродов билан Марказий Ижроия комитетининг масъул котиби Абдулла Хўнаев имзо чекиши керак эди.

Матбуоти тайёрлаш учун республиканинг бутун раҳбарлари тўпланишди. Текст-ни ёзишди, уларнинг ҳар бирининг Ленинга айтадиган гапи бор эди. «Ёз: Раҳмат, Ильич, — сиз бизга энг яхши муаллимларини, врачларини, агрономларини, добордин-гиз», — деб илтимос қилди секретардан халқ комиссар-ларидан бири. Утган йили энда Ленин Россиядан инжне-рларни юбориб, Хива билан Урганчнинг сув босиш-дан кутқариб қолганини ҳам қўшиб қўйишни

# ИЖОДКОР МАСЪУЛИЯТИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГА ЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИДА  
РЕСПУБЛИКА ЁЗУВЧИЛАРИ НИЖАТДАГИ  
АНЪАНАВИЙ ИГИЛИШИ БЎЛИБ УТДИ

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида адабиёт ва санъат ходимларининг олдида ҳам улкан вазифалар қўйилди. Ҳа, съездлар коммунизмни бунёд этувчи янги инсонни шакллантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда адабиёт ва санъат ходимлари оммавирларга ҳам масъулиятни ваъналарга юкледи.

Адабиётимиз сўнгги йилларда, айниқса, катта ютуқларга эришти. Атоқли совет адабиёт Шайхон Рашидовнинг беш томлик талланган асарлари Москвада чоп этилиши, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хамид Гуломнинг «Мангулик» романи СССР Давлат мукофотига сазовор бўлиши, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати

Одил Ёшубовнинг «Диянат» романи СССР Ёзувчилар союзининг йиллик мукофоти билан тақдирлангани ҳам ана шундан далолат беради. Айни пайтда КПССнинг тарихий XXVI съезди, республика Компартиясининг XX съездлари Ўзбек адабиётлари ҳам янгидан янги зафарлар сари илҳомлантирди. Куйи кеча «Совет Ўзбекистон» газетаси редакциясида бўлиб ўтган республика ёзувчиларининг давлатдаги айтаётган йилликда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг правлениясининг секретари шонир Нормулло Нарзуллаев ана шулар ҳақида гапирди.

— Ҳаётимиз кун сайин тараққий топибди. Шу маънода адабиёт ҳаётдан орқада қолмаслиги керак. Бунинг учун эса ёзувчиларимиз тез-тез ишчилар,



таржима асарлар. Ҳолбуки, бу театрда аризулик асарларни яратишга қодир бўлган ижодкорларимиз талайгина. Шунингдек, мунаққид республика кўпқатлам театри саҳнасида кўпқатлам асарлар ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган даражада эмаслигини таъкидлади. Бу ишларни ахшиллаш учун республикамиз адаблари фаолият кўрсатиши лозимлигини уқитди.

Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, филологик фанлари доктори таъкидди Салоҳиддин Мамажонов адабиётимиз ютуқлари ва мунаққидлар олдига турган масалалар ҳақида гапирди.

Республика Ленин комсомол мукофоти лауреати, ёзувчи Худойберди Тўхтабоев сатра ва юмор, фелъетон жанридаги айрим муаммолар ва нуқсонлар ҳақида, шонир Гулҳеҳра Жўрасова поэзиядаги янги

тенденциялар ҳақида тўхталди. Шунингдек, йилгидада иштирок этган республика Ленин комсомол мукофоти лауреати Устўхон Хошнўй, Ойбек Матжон, Муҳаммад Али ва бошқалар ҳам адабиётимизнинг бугунги айрим муаммолари ҳақида фикр ва мулоҳазаларни ўртоқлашди.

Суратда: йилги иштирокчилардан бир гуруҳи.

А. Тўраев фотоси.

## БИЗ-ҲАЁТМИЗ

Биз — ёлғиримиз, она ерга томчи-томчи ёлғиримиз. Биз — денгизимиз, томчилардан ирмоқ бўлиб йилган. Қадди буюк, бардоши мўл минг асрлик тоғларимиз. Мевавлар ширин-шарбат болга тўла боғларимиз. Замин бўйлаб сочилган биринчи мислу-жонимиз. Меҳнатимиз қудратидан уммондай иккомимиз.

Биз — умримиз, миллион-миллион умрларга поғона биз — ҳаётимиз, келажакни яратувчи ягона!

Гулстон МАТЕҚУБОВА.

## КАПТАРГА

Само бўйлаб ўчаётган оппоқ, митти бир каптар, Юскаларга чорлар мени, қақиради ёнига. Худди пардек сузаяпти, унга ҳавасим келар. Тақдиримга кўнмаганим, чиқмасам қосмонган. Бундай қатъий жавоб учун кечир мени, каптаржон. Сен ҳам мени тўғри тушу, бўлса гар дилимда ҳис. Мен ҳам каби самоласам, юракларга учарман. Кўнмишимни қанотларим юракларга солсин из. Умоқоқ учун ярагансам, парвоз этаклар тинмай. Сени ҳеч қим қилмас таъқиб, ана юскаларга уч. Мен эса ер фарзандиман, шу ерда ўсиб-унай. Ҳамма ҳам ўз Ватанисиз келмаган икболга дуч. Умоқоқ учун ярагансам учавер тоғмас қўшим. Менинг эса самодамас, она Ерда улусим.

Саодат ДОНАБОВА.

## ЧАҚМОҚ

Ногоҳ чақмоқ чақиб фазода, Қилди туининг қўйсини, Тўғри бахш этди ерга. Мур қалбимнинг жарангдор сози, Ёзди кундуз аталмиш икбол. Юлдузларнинг, ойнинг, ҳам бир зум, Ҳайрат билан тинди кўзлари.

Шундай нурни, билмаган тўғри, Тонг бахш этди ерга. Чақмоқ мисол даҳза ёнди-ю, Ёзди кундуз аталмиш икбол. У қолдирган ҳаётбахш туйғу, — Ёни — деб ҳамон элади икбол. Қизлархон МАМАТҚУЛОВА.

## СПОРТ

ТЕНИСЧИЛАР ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ

## КУБАЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкентдаги айойиб спорт масжиди — «Динамо» теннис стадионига республика Министрлар Совети соврини учун ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнир натижасига етай деб қолди. Турнир мамлакатларнинг вакиллари иштирок этаётган совриндорлик баҳсида ҳал қилувчи ўйинлар ўтказилмоқда. Меҳмонлар халқаро турнирининг таъкид қилиниши ва яратилган шартлардан беҳад мамнун бўлмоқдалар. Қўмладан. Озодлик ороли — Куба терма командасининг раҳбари Хулио Гарсиа ўз таассуротларини қуйидагича баён қилди:

— Бизнинг мамлакатда спортнинг теннис тури тез ривожланмоқда. Спортнинг бошқа хиллари сингари теннис ҳам алоҳида аҳамият берилади. Куба революция-

сига қадар маълум даврга кишиларига кичик тўп ўйинларидан баҳраманд бўлардилар. Маана, 21 йилдирки, бундай чекланганларга барҳам берилган. Физкультура ва спортнинг оммавийлиги учун кураш олиб борилади.

Тошкентда теннисчилар халқаро турнирининг ўтказилиши кубалик спортчиларини беҳад қувонтирди. Босиш — ана шу мусобақа баҳона сержуёш республика пойтахти ва қадимий Самарқанд шаҳрини кўришга

## «ПРОФЕССОР» ДИРЕКТОР БЎЛМОҚЧИ

Фарғонадаги «Интурист» ресторанида эрталаб соат тўққизларга ажаб бир ҳангома бўлди. Икки киши ресторанига пошута қилиш учун кириб келишди.

— Қайда? Орқага қайтиш? Ресторан банд! — Меҳмонларнинг маршишида қўлларини бичинганга тираб таманно бир аёл турарди.

— Биз тамадди қилмоқчи эдик... — ботимайгина деди хўрандалардан бири.

— Чинилган, дейман, икки йўл! — И-е, ресторани деярли бўм-бўш-ку, нега ҳайдай-босиб?

— Жуда ҳам хира экансизлар-ку! — Е тавба, — ҳайрон бўлди бош хўранда. — Бу қанақаси, бошнингизга уч-рамасак бўлмайдингизга ўхшайди.

— Бошлиқ ўзим бўлман, нима дейсизлар, айтаверин, Нисима Нина, фамилиям Суркова...

Шу пайт ресторандан савлатидан от хўрийдиган бир киши чиқиб келди. У бошбалаб турган аёлга «нима гап ўзини» дегандай қараб қўйди.

— Сира гап ўқмаслардан экан, тушунтирмалар... Маана шу гап хўрандаларнинг э-устихонидан ўтиб кетди. Улар савлатли кишига мурожаат қилишди:

— Сиз шу соҳанинг раҳбарига ўхшайсиз. Қани, айтинг-чи, бу қанақа тартиб-қоида бўлди...

Шоҳлоқчиларнинг гапига оғиз қолди. Савлатидан от хўрийдиган одам елкасини қисиб қўйди-да, «меннинг бу ишларга алоқам йўқ, кечир-сизлар!» — деб жўнаб қолди. Меҳмонларнинг таъбира хира бўлиб, кўчага йўл олишди.

— Маана шунақа келиб туринглар, бошимиз осмонга етди! — Орқадан зал мударри Н. Суркованинг кинозиди шанилганга эшитилди.

Понушта ўрнига ҳақорат ва камситилар билан дх-лашлар «савлатидан» меҳмонлар кўчага чиқиб, шундай қарорга келишди: ҳозирроқ шаҳар умумий оватланиш трестини директорли олдига бериб, бўлган воқеани бирма-бир айтиб беришди, ресторани тартиб ўрнатилиши, кўпол ходимларини тартибга қайтариб қўйишни илтимос қилишди... Улар трест идорасини ахтариб топиб боришди. Директор кабинетини эшигини очиб, не кўз билан кўришди... Тўрда боғиёна «бу ишларга меннинг алоқам йўқ» деган одам ўтирарди.

— Ҳа, тағий гапми? — У бурнини жийриди. Меҳмонлардан бири хали ҳам кўзларига ишонамай, иккилаш соҳида:

— Биз адабиёт келмадимки ишқилиб, бол ресторанда бизга бунақа ишларга алоқам йўқ, деган сиз эмасмидингиз? — деди-да, ичиди «бошлиқ шу бўлса, ходимлар қанақа бўларлар», деб қўйди.

— Ҳа, янгишмадигиз, мен ўша сизлар қидириб келган Фарғона шаҳар умумий оватланиш трестини бошчилигим, қулониб сизда...

Арз билан келганлар қўл сийлаб, қийиб кетишди.

Келинг, хўрматли газетачон, трест директорли столда керишиб ўтирган бу виқорли киши билан сизни янгида таъкидлайди. Унинг исми-шарифи — Михаил Иосифович Грозберг. Кирб-ҳаво-ю, мамманликда Фарғонада икки киши бўлса

## Фелъетон

бири шу, бир киши бўлса унинг ёлғиз ўзи, дейиш мумкин. Область савдо бошқармасида уни оқидан-очик савдо ишнинг «профессори» деб аташди. Аммо «профессор» 1974 йилда ёмон пайт еган эди. Шу ҳафта икки оғиз тўхталиб ўтайлик.

Ушанда Фарғона шаҳар ошқ-овқат савдосида директор ўринбосари бўлиб ишлаган Грозберг область савдо бошқармаси бошлиғи Т. Сотволдиевнинг олдида титраб-қақшаб кириб келганда, қўлидаги тўрт буклоглиқ газетани унинг столига ташлаганди.

— Расво бўлдим, шарманда қилишбди. — Нима гап ўзини? — Бошқарма бошлиғи саросимага тушиб ўриндан туриб кетди. — Мени роса уриб чиқибди. Сиз ҳам кўруқ қолмасиз...

Область миқёсидаги бошлиқнинг ранги бир оқариб, бир кўяриб, фелъетонини ўқиб чиқди, кейин Грозбергга дашмон берди...

— Савдо ходимлари ўғирлик қилса қилбиди-да, деб ошкор айтаётганга бало бормиди? Сиз Нардолаб гапирсан, мартабандан тушиб қоларингиз!

— Энди нима бўлади? — бошлиқнинг кўзига жовдир-баб тикилди М. Грозберг.

— Гап бундай, — деди «жабрлида» бошлиқ, — сени шаҳар савдо идорасидаги лавозимингдан олиб, область савдо бошқармаси умумий оватланиш бўлими бошлиғи вазифасига қўяман, яъни менга муюни бўласан. Қалай, дурустми?

Шу-шу М. Грозберг 1974 йилнинг июлидан бошлаб, область савдо бошқармаси бошлиқнинг ўнг қўли бўлиб қолди. Фарғона шаҳар умумий оватланиш трестини ҳам унга берилди. Маана унинг аниқ ва дўнда иш «самаралари» трест сўнгги икки беш йиллик планларини суринчасига барбод берди. 1980 йилнинг ўзига эса товар обороти плани деярли 1,1 миллион сўмга кам бақарилиди. Ўнлаб умумий оватланиш корхоналари, ошхоналар план-топиқларини ўзда-ўғлда қолдириб, юзлаб, минглаб хўрандаларнинг ҳафасини қир қилишди. 1981 йил бошларида қавратилиши ўзидек товар обороти планига кирди 300 минг сўм етмай қолди. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Бўнинг боси — область савдо бошқармаси раҳбарларининг қарлар талаш босасида кўп йиллар давомида тутиб келатган, кишини ҳайрат ва таъжубга соладиган «тақриб»ларида. Кейини етти-саккиз йил давомида уларнинг амри билан трест директорлари бамисоли дўппи алмаштиргандек ўзгаришлар берди. Бирини «ганга тушунмайди» деб, яна бирини ўзиб-лармон деб, бошқасини эса яна алақандай баҳоналар билан қовуши тўғрилиб қўйиларди. Кейин область миқёсидаги шу раҳбар акалар «кадрисан қадри маана энди топиди», деб ўзларига ёқиб қолган ишларини трест директорлиги курсига ўтказиб қўйиларди. Аммо уларнинг ўзгини бошқарма раҳбарларининг қўлида қоларди. Устамонлар чиқиб берган қизидан чиқмай, уларнинг амри билангина иш тутган бу кишилар ҳам ҳозир «билмайин бос-

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг  
МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ  
ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ  
ИНСТИТУТИ  
1981—82 ўқув йилига  
КЎНДУЗГИ БЎЛИМНИНГ 1 КУРСИГА  
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

## СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ — қуйидаги соҳалар бўйича инженирлар тайёрлайди: гидромелиорация системалари ва ирригация иншоотларининг кенг тарқалган гидромелиорация, яъни, лойхалаш, қуриш, эксплуатация ва автоматлаштириш бўйича гидромелиорация инженирлари; қишлоқ хўжалиги суа таъминоти, суа билан таъминлаш ва суа ресурсларининг муҳофазаси — суа чинарши иншоотлари ва аҳоли пунктларининг суа таъминоти учун системалар ҳамда суа манбаъларининг ифлосланиши ва шидан чиқиб суа таъминоти, лойхалаш, қуриш, эксплуатация ва автоматлаштириш бўйича гидромелиорация инженирлари;

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ — қуйидаги соҳалар бўйича механик инженирлар тайёрлайди: деҳқончилик механизацияси — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги машиналарини эксплуатацияси ва ремонт; қишлоқ хўжалиги — инженир-механиклар, қишлоқ хўжалиги фанлари ўқитувчилари; ГИДРОТЕХНИКА ҚУРИЛИШИ — сугорих системалари, гидромелиорация иншоотлари ва гидроэлектростанцияларини лойхалаш ва қуриш бўйича гидромелиорация инженирлари; ЕР ТУЗИЛИШИ — қуйидаги соҳалар бўйича инженирлар тайёрлайди: қишлоқлар ва совхозлар территорияларини ташкил этиш — ер текислаштириш лойхалаш бўйича ер тузувчи; ер кадастри — ер фонлари ҳисоби, тақсими ва рационал фойдаланиш;

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ МЕХАНИЗАЦИЯСИ — суа хўжалиги объектлари эксплуатацияси, қурилиши ва мелiorация машиналари ремонтини ва лойхаси бўйича механик инженирларини тайёрлайди;

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МАШИНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РЕМОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ — тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги машиналарини ташкил этиш ва ремонт технологияси бўйича, ремонт корхоналарининг лойхаси, машиналар учун ускуналар ва мосламаларни конструциялаш, тайёрлаш бўйича механик инженирларини тайёрлайди; ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЭЛЕКТРАЛТИРИШ — ихтисосликлар бўйича электрик инженирлар тайёрлайди: қишлоқ хўжалигида электр энергиясини қўллаш — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараянларини электрлаштириш бўйича кенг тарқалган электрик инженирлар; қишлоқ хўжалигининг электр таъминоти — қишлоқ хўжалиги мансабларида электр узатмалар ва подстанциялар линияларини лойхалаш, қуриш, эксплуатацияси;

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини автоматлаштириш — ихтисосликлар бўйича инженирлар тайёрлайди: чорвачиликни автоматлаштириш — чорвачиликда технология жараянларини автоматлаштириш, чорвачиликда автоматика системаларини лойхалаш, монтаж, эксплуатацияси ва ремонтини бўйича электромеханик инженирлар; чорвачилик механизацияси — чорвачилик фермалари ва чорвачиликда барча маҳсулотини ишлаб чиқариш жараянларини механизациялаш бўйича механик инженирлар;

## ИНСТИТУТНИНГ ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ ФИДИАЛИГИ

Гидромелиорация, қишлоқ хўжалиги механизацияси, ер тузилиши.

ИНСТИТУТНИНГ ЯНГИЕР ШАҲРИДАГИ ФИДИАЛИГИ: Гидромелиорация, қишлоқ хўжалиги механизацияси. Аризалар 20 июндан 31 июлга қабул қилинади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова этиб топширилади: ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), характеристика, медицина справкаси (286 форма), 4 та фотосурат (3х4 см). Шаҳсан курсатлади: паспорт, қарий билет ёни қайт этилган гувоҳнома, камиди 2 йиллик амалий иш еткази бўлган кишилар иш еткази тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини ёни тасдиқловчи нусхасини (тақдим этишлари керак).

Кириш имтиҳонлари: математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки), ама тили ва адабиёт (иш).

Ўрта ўқув юртида миллий мактаблар программаси ҳамкида рус тилини ўрганганлар ишю ўрнига рус тилидан баён ёки диктант ёзишлари мумкин. Ўрта мактабларини олтин (пумун) медаллар билан ёни ўрта ўқув юртиларини ёни ўрта хунар-техника билим юртиларини аёло баҳолар билан биттирганлар кириш имтиҳонларида математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадлар. Ўшуб имтиҳон «беш» баҳога топширмаса, абитурриентлар кейинги имтиҳонларини топширишдан оёзд этиладлар.

Ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатда «аёло» ва «яхши» баҳолари бўлган ва уларнинг ўртача бали 4,5 дан кам бўлмаган абитурриентлар икки имтиҳон — математикадан ёзма ва оғзаки — топширадлар. Икки имтиҳонни камиди 0 балта топширганлар нелгузи имтиҳонларини топширишдан оёзд этиладлар.

Институтга қабул қилиш тартиби олин ўқув юртиларига кириш қондаларига асосланб амалга оширилади.

Қабул қилинганлар умумий тартибда стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Институт ва унинг филиаллари адреси: Тошкент шаҳри, Қори Низоов кўчаси, 39-у. Телефонлари: 35-72-78, 35-78-15. Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 54-у. Телефонлари: 61-32, 62-76. Янгиер шаҳри, 2-микрорайон. Телефонлар: 14-56, 14-55.

## Театр

ҲАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IVда Ум унчини раис, 25/IVда Алмадари.

МУХИМНИ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/IVда Ишқонам уламан (премьера), 25/IVда Гулсара, 26/IVда Тошкентнинг нозанин маликиси.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ХАЛҚЛАР ДУСТИЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ 1981 йил учун қуйидаги ихтисослар бўйича АСПИРАНТУРАГА ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: агрохимия; ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: улаштирилган ерлар мелiorацияси ва деҳқончилик, чорвачилик.

Кириш имтиҳонлари 4 майда бошланади. Ҳужжатлар қуйидаги адресга қўйиб: 700183, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими, аспирантура бўлими. Телефон 62-02-02.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳукук институти коллектив профессор, институт илмий коммунизм секторининг мударри Рустам Ҳакимович АБДУШУКРОВНИНГ вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиотелетриш давлат комитетининг республика радиоси коллективини қишлоқ хўжалиги инженирларини Бош редакциясининг катта редактори З. Насриддиновга ахаси Нуриддин НАЖМИДИНОВНИНГ вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумини оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.